



I M V  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI



# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ АМАЛИЁТИ ШАРҲИ

"Ўзбекистонда ташаббусли бюджет амалиёти шарҳи" нашри Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлигининг "Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш" қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Ушбу нашрда баён этилган фикр ва хulosалар фақат муаллифларнинг фикрларини ифодалайди ва БМТ, шу жумладан БМТТД ёки БМТга аъзо мамлакатларнинг расмий қарашларини ифодаламайди.

БМТТД қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши натижасида юзага келган адолатсизликка қарши курашувчи БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170 та мамлакатдаги кенг эксперталар ва ҳамкорлар тармоғи билан ишлаган ҳолда, биз одамлар ва сайёра учун интеграциялашган, доимий ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни [undp.org/uzbekistan](http://undp.org/uzbekistan) саҳифасидан олинг ёки ижтимоий тармоқларда @UNDPUzbekistan саҳифасини кузатиб боринг.

# Кириш

Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш давом этмоқда, унинг муҳим йўналиши бюджет жараёнини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, шу жумладан партисипатор бюджетлаштириш амалиётини жорий этиш орқали бюджет масалаларини ҳал этишга фуқароларни кенг жалб этишдир.

Халқаро ташкилотлар партисипатор бюджетлаштириш воситаларини танлашда кўпинча фуқаролар иштирокини ҳокимиятни номарказлаштириш ва ваколатларни ҳукуматнинг қуи даражаларига ўтказиш сифатида қарайдилар. Очиқлик ва ошкоралик билан бир қаторда, фуқаролар иштирокида бюджетлаштириш ҳисобдорликни ривожлантириш воситаларидан бири деб ҳисобланади. Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш воситалари қаторига партисипатор бюджетлаштиришнинг киритилиши муҳим тенденцияга айланиб улгурди.

Ўзбекистонда 2019 йилдан фуқаролар иштирокидаги бюджетлаштириш жорий этила бошланди ва шу кунгача маълум тажриба шаклланди. Ташаббусли бюджетлаштириш қандай жорий этилди, миллий амалиётнинг хусусиятлари ва муваффақияти қандай, нималар устида ишлаш керак? Ушбу нашр мазкур масалаларга бағишенган. Нашрда келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда ташаббусли бюджетлаштиришни янада ривожлантиришда ҳамда тажриба алмашиш учун фойдали бўлиши мумкин.

# Мундарижа

1

Партиципатор бюджетлаштириш: тушунчаси,  
тарихи, дунёда пайдо бўлиши ва  
ривожланиш тарихи

3

2

Ўзбекистонда Ташаббусли бюджет:  
танлов модели, синовдан ўtkазиш ва янги  
амалиётларни ишлаб чикиш

9

3

Муваффақият ва муаммолар

27

4

Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида  
рағбатлантириш

41

5

Муваффақиятли лойиҳалардан намуналар

49

1

# Партиципатор бюджетлаштириш тушунчаси, дунёда пайдо бўлиши ва ривожланиши



Жаҳон амалиётида фуқароларнинг бюджет қарорларини қабул қилишда иштирок этишининг турли ёндашувлари ва моделлари вужудга келган бўлиб, лойиҳаси энг кенг тарқалган лойиҳага айланди. Бунда фуқаролар ташаббуси ва фаоллиги асосида лойиҳалар шаклланади, улар ўртасида муҳокама қилинади ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.



**Маҳаллий** ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда ва/ёки ҳудуд маъмурияти вакиллари ва унинг аҳолисидан иборат комиссия иштироқида жамоатчилик иштироқи шаклларидан фойдаланган ҳолда лойиҳавий ёндашув доирасида маҳаллий бюджет маблағларининг бир қисмини ажратиши жараёни.

## **Яралиш тарихи:**

ПБ турли мамлакатлардаги сиёсий ўзгаришлар ва қуидакелтирилган бир қатор иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга жавоб сифатида пайдо бўлган ва ривожланган:

- вакиллик демократиясининг кам таъминланганлар манфаатларини амалга ошира олмаслиги;
- кенг тарқалган коррупция;
- аҳоли ўртасида иқтисодий тенгизликтининг қучайиши;
- аҳолининг давлат ва давлат институтларига ишончсизлик.

Бразилияning Порту-Алегри шаҳрида маҳаллий ҳокимият органлари жамоат бирлашмалари билан биргалиқда маҳсус яратилган Шаҳар Хартиясида (Регименто Интерно) жамоатчилик иштироки қоидаларини ишлаб чиқди ва мустаҳкамлади. Янги қоидаларга кўра, 1989 йилда жаҳон амалиётида биринчи марта кўплаб шаҳар аҳолиси иштирокида тузилган шаҳар бюджети қабул қилинди.



## **Дунёда ривожланиши:**

Бразилияда амалга оширилган ПБ амалиёти бутун дунёда - Европа, Шимолий, Марказий, Жанубий Америка ва Канада, Осиё, Африка, Океанияда кенг тарқалди. Мавжуд бўлган энг кенг қамровли маълумотлар тўплами бўлган "Participatory Budgeting World ATLAS" 2019 йилда бутун дунё бўйлаб 11 000 дан ортиқ ПБ амалиёти мавжудлигини тахмин қилмоқда.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Dias, N., Sahsil E., Simone J. (eds), (2019). Participatory Budgeting World ATLAS 2019. Cascais: Oficina. <https://www.cascais.pt/anexo/participatory-budgeting-world-atlas-2019>

## ПБ жараёнлари анъанавий тарзда бир неча босқичларни ўз ичига олади

Жамият вакили бўлган бошқарув қўмитаси жараён очиқ ва маҳаллий эҳтиёжларга жавоб берини таъминлаш учун ҳукумат вакиллари билан ҳамкорликда қоидалар ишлаб чиқади.

Давлат органлари ғолиб бўлган лойиҳаларни амалга оширади ва фуқаролар билан биргалиқда уларнинг амалга оширилишини назорат қиласди.

Фуқаролар лойиҳалар учун овоз беришда иштирок этадилар.



Учрашувлар пайтида ва онлайн воситалардан фойдаланган ҳолда фуқаролар ўз ғоялари ва лойиҳаларини илгари суради, фикр алмашади, муҳокама қиласди.

Ташаббускорлар ғоялар асосида реал таклифлар тузадилар, улар экспертлар томонидан кўриб чиқилади.

Экспертлар томонидан кўриб чиқилган ва танланган таклифлар/лоиҳаларни танлаш ва овоз беришга ўтказиш.

## Партиципатор бюджетнинг хусусиятлари:

- бюджет масалаларини муҳокама қилиш;
- ҳукумат вакилларининг иштироки;
- жараённинг тақороланувчанлиги;
- лойиҳаларни фуқаролар иштирокида муҳокама қилишининг оммавийлиги;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнида фикр-мулоҳазаларнинг мавжудлиги;
- оммавий ҳисоботларни ташкил этиш;
- фуқаролар ва корхоналар томонидан биргалиқда молиялаштиришни жалб қилиш (краудсорсинг, краудфандинг).

## Партиципатор бюджетлаштириш нима беради?



халқ учун:

Туман ва шаҳар аҳолиси янада фаолроқ фуқаролик позицияларини эгаллаган ҳолда қуидагиларни илгари сурмоқдалар:





## Давлат учун:

- аҳолининг ҳукуматга ишончини ошириш ва унинг ваколатларини мустаҳкамлаш;
- бошқарувнинг барча даражаларида аҳоли ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш;
- ҳисобдорлик ва шаффоффлик;
- маҳаллий ҳамжамиятларда ҳамжиҳатликни, тушунишни ва ишончни ошириш;
- фуқароларнинг эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйиш ва давлат инвестициялари режаларини тузиш ва тасдиқлаш жараёнида уларни ҳисобга олиш.
- коррупция майдонини камайтириш;
- бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланиш ва исрофгарчиликни камайтириш;
- фуқароларга қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқини бериш.

Хар қандай жараён сингари Партиципатор бюджетлаштириш жараёнларига боғлиқ хавфли ҳолатлар мавжуд:

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ПБ амалиётига жалб қилишнинг имкони мавжуд эмаслиги;
- харажатларнинг юқори даражада ошиб кетиши;
- фуқароларнинг талабига жавоб бермаслик;
- вакиллик органлари ва жамоатчилик фикри етакчилари ўртасида кескинликнинг юзага келиши.

Фуқароларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, уларнинг умидларини қондириш, ПБнинг барча босқичларини амалга оширишда шаффоффлик ва аниқликни таъминлаш қайд этилган хавфларни юмшатишнинг муҳим омилидир.



2

## Ўзбекистонда Ташаббусли бюджет: танлов модели, синовдан ўтказиш ва янги амалиётларни ишлаб чикиш



Ўзбекистонда фуқароларни бюджет жараёнига жалб этиш механизмини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва фуқароларнинг бюджет жараёнида фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарор ўша даврда амалга оширилаётган муҳим ўзгаришларга ҳуқуқий асос бўлиб, бюджет шаффоғлигини ошириш ва бюджет маблағларини жойларда тақсимлашда фуқароларни жалб этишни назарда тутди.


## 1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли қарори.

**2019 йилдан бошлаб янгиланган тартибда**  
Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш тартиби жорий қилинди:



Бюджет маблағларининг  
очиқлиги ва шаффоғлиги



Олий Мажлис депутатлари ва фуқаролик жамиятининг  
бюджет жараёнида иштироки, шунингдек, бюджет  
маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан  
уларнинг назоратини кучайтириш

## 2

фуқароларнинг бюджет маблағларининг бир қисмини тақсимлашда иштирок этиш механизми жорий этилди:

туман (шаҳар)лар бюджети қўшимча манбаларининг камидা

**10** фоизи фуқаролар ташаббуси учун йўналтирилган.



Фуқароларга қўйидагиларни назарда тутивчи "Очиқ бюджет" ахборот портали ишга туширилди:

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар;
- жамоатчилик фикрини шакллантириш учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;
- бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар;
- бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар.



### 3

Олий Мажлис палаталариға Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқишида фуқароларнинг Портал орқали келиб тушган фикр ва таклифларини таҳлил қиласди



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларидан

#### **камида 10 фоизининг**

Портал орқали жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат Давлат молиявий статистикасини юритиш ва бюджет очиқлигини таъминлаш бўлими ташкил этилди



Дастлабки босқичда фуқароларни бюджет маблағларининг бир қисмини тақсимлашга жалб қилиш механизми беқарорлик хавфи ва фуқаролар томонидан илгари сурилган таклифлар/лойиҳаларни молиялаштиришнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ эди.

2020 йилда кузатилган COVID-19 пандемияси ва жорий қилинган чеклов чоралари шароитида кенг жамоатчилик ва ишбилармон доиралар ҳаётининг барча одатий жабҳалари сезиларли даражада ўзгарди. Ушбу даврда Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини кенгайтириш бўйича ишлар унчалик фаол бўлмаган.

Мамлакат ҳукумати томонидан юртимиз аҳолисини, иқтисодиётини, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарорлаштириш, фаолиятини тиклаш ва нормал ҳолатга келтиришга қаратилган қўплаб аниқ мақсадли қарорлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

Пандемия билан боғлиқ қатъий чекловлар тутатилгач, фуқароларни бюджет маблағларини тақсимлашга жалб қилиш ишлари давом эттирилди, ахборот хавфсизлиги кучли сиёсий ва молиявий қўллаб-қувватланди, янги амалиётлар жорий этила бошлиди.

## Ўзбекистон Республикасида Ташаббусли бюджет жараёнларининг амалиётга тадбиқ етилиши

2021

Бюджет маблағлари  
жамоатчилик фикри  
асосида шакллантирилди



2022

«Менинг йўлим»



2023

«Обод маҳалла»,  
«Обод қишлоқ»




## 2.1. Жамоатчилик фикрига асосланган бюджет

2021 йилда жаҳон тажрибаси ва ПБнинг илғор тажрибасини ўрганиш шунингдек, ҳалқаро эксперталар билан фикр алмашиш ва БМТД кўмаги асосида Ўзбекистон учун ноёб – жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет модели ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Жараён бир неча босқичларни ўз ичига олади: фуқароларнинг Очиқ бюджет порталида ариза топширишидан тортиб, ғолиб лойиҳаларни амалга оширишгача.

Янги модельни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Фуқароларнинг бюджет жараёнида фаол иштирокини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сон қарорлари ва “Фуқароларнинг бюджет жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари билан тартибга солинади. Шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон қарори қабул қилинди.

1 босқич (20 кун)	2 босқич (20 кун)	3 босқич (20 кун)	4 босқич
			
Фуқаролар томонидан таклифлар киритилади	Комиссия томонидан таклифлар кўриб чиқилади	Овоз бериш жараёнлари	Ғолиб таклифларни амалга ошириш

Вояга етган фуқаролар лойиҳаларни илгари суриш ва улар учун овоз бериш жараёнида иштирок этишлари мумкин, лойиҳаларни илгари суриш ва овоз беришда ҳудудий чекловлар мавжуд эмас.

2021 йилда мазкур жараён ҳар бир вилоятда битта туманда синовдан ўтказилди. Янги амалиётни жорий этиш учун дастлаб 14 туман (шаҳар)лар учун жами **92 681 миллион сўм**



Ташаббусли бюджет жараёнини амалга ошириш учун Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришнинг ягона тартибини белгиловчи Намунавий низом тасдиқланди.

Лойиҳаларни молиялаштириш учун туманлар/шаҳарлар ҳокимларини хузурида бюджет ташкилотларининг мақсадли бюджетдан ташқари жамғармалари кўринишида, "Фуқаролар ташаббуси" жамғармалари ташкил этилди.

Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағлари фақат Ташаббусли бюджет жараёни доирасида ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш учун сарфланиши белгилаб қўйилди.

Жамоатчилик фикри асосида шаклланган  
тадбирларни молиялаштириш тартиби

2021 йил май ойидан

туман (шаҳар)  
бюджетлари тасдиқланган  
харажатларининг  
**5** фоизи,  
туман ва шаҳар  
бюджетлари қўшимча  
маблағларининг 30 фоизи

Туман/шаҳар ҳокимяти  
хузуридаги "Фуқаролар  
ташаббуси" жамғармаси



2023 йилдан бошлаб

Қорақалпоғистон  
Республикаси республика  
бюджети, вилоятлар  
вилоят бюджети ва  
Тошкент шаҳри шаҳар  
бюджетларида  
шаклланган қўшимча  
маблағларнинг  
**30** фоизи

2023 йилдан бошлаб

туман ва шаҳарлар  
харажатининг 5 фоизи  
бироқ камида

**6**



Намунавий низомда туман (шаҳар) ҳокимларида жамоатчилик фикри асосида тузилган чора-тадбирларни баҳолаш, танлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича ишчи комиссияларининг таркиби ҳам белгилаб қўйилди.

- Туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари, ишчи гурӯҳ раҳбари
- Туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг вакили
- Туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари
- Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
- Туман (шаҳар) ҳокимлиги молия бўлими мудири (вакили)
- Туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакили
- Нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари




- лойиҳаларнинг белгиланган мезонларга мувофиқлигини текширади
- уларнинг иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказади
- рад этилган тақдирда – ариза берувчига қарорни асослайди
- танлаб олинган лойиҳаларни Очиқ бюджет ахборот порталида умумий овоз бериш учун ўтказади

Жараённинг барча босқичлари фуқаролар учун қулай бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда “Очиқ бюджет” ахборот портали такомиллаштирилиб, унинг янгиланган версияси ишга туширилди.

Фуқаролар ўз лойиҳаларини онлайн платформа орқали тақдим этиш имкониятига эга бўлиб, барча босқичлар шаффоғ тарзда амалга оширилмоқда, инсон омилини камайтириш мақсадида ғолиб лойиҳаларни автоматик тарзда аниқлаш йўлга қўйилди.

Фуқаролар томонидан лойиҳалар фаол кўрсатилиши ҳисобга олинса, 2021 йилда асосий манбалардан ташқари, овоз беришда ғолиб бўлмаган, лекин етарлича кўп овоз тўплаган муҳим лойиҳаларга республика бюджетидан қўшимча маблағлар ажратиш амалиёти жорий этилади.

2021 йилда ўтказилган синов натижаларига кўра:



Муваффақиятли синовдан сўнг амалиёт 2022 йилдан бошлаб тўлиқ жорий этилиб, Ўзбекистоннинг барча туман ва шаҳарларида ўтказила бошланди.

Ташаббусли бюджет жараёнлари ҳар йили икки мавсум доирасида ўтказилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги кенг жамоатчиликни хабардор қилган ҳолда мавсумларни ўтказиш муддатларига аниқлик киритиши мумкин.

Мавсум	Туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг тасдиқланган умумий бюджетининг камидаги 5 фоиз қисмини “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га teng улушда ўтказиш	Фуқаролар томонидан лойиҳаларни шакллантириш ва таклиф қилиш	Ишчи комиссия томонидан лойиҳаларни танлаш	Лойиҳаларга овоз бериш
1	Январь	1-20 феврал	21 февралдан 10 марта гача	11-31 март
2	Май	1-20 июн	21 июндан 10 июля гача	11-31 июл

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг, шунингдек туман (шаҳар)нинг қўшимча даромадлари бўйича маблағлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори қабул қилингандан кейин уч иш куни ичидаги ўтказилади.



Бугунги кунга келиб фойдаланувчиларга қулайлик келтириш мақсадида Порталнинг "Android" ва "IOS" операцион тизимларида ишловчи мобил иловалари ишга туширилди.

## Лойиҳаларни илгари сурис

Очиқ бюджет порталида лойиҳаларни таклиф қилишда белгиланган талабларга риоя қилиш зарур, бунда қуйидаги барча майдонларни тўлдириш лозим:



- Лойиҳанинг мазмунини, шу жумладан бажариладиган иш турларини ёки сотиб олинадиган товарлар ва хизматларнинг номи ҳамда миқдорини тавсифлаш (бу ҳолда жиҳозлар рўйхати электрон шаклда шакллантирилади);
- Лойиҳанинг манзилини аниқ кўрсатиш (маҳалла ва кўча номи);
- Лойиҳада ягона ижтимоий муаммо акс этганлигини кўрсатиш (loyiha.budget.uz бир нечта жойларда ёки турли обьектлардаги тадбирларни киритишга йўл қўйилмайди);
- Объектнинг ҳозирги ҳолатини тавсифловчи ва унинг геолокациясини кўрсатадиган камида 3 та фотосуратни илова қилиш.

## Лойиҳаларни танлаш

Лойиҳаларни танлашда  
Ишчи комиссия намунавий  
низомда белгиланган қуйидаги  
мезонларга амал қиласди:

- лойиҳаларнинг ижтимоий характерга эга бўлиши;
- шахсий ёки идоравий эҳтиёжларни қондиришга қаратилмаганлиги ва лойиҳаларнинг чегаравий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4000 бараваридан ошмаслиги лозим.



Фуқаролар ўз лойиҳаларини рад этилиши ёки овоз беришга ўтказилганлиги юзасидан реал-вақт кўринишида СМС хизмати орқали хабардор қилиб бориладилар.

## Таклифга овоз бериш

Ишчи комиссия томонидан танлаб олинган лойиҳалар овоз бериш босқичидан ўтади.



### Овоз бериш лойиҳанинг Порталдаги тегишли саҳифаси орқали Овоз бериш тугмаси орқали амалга оширилади

фуқаро махсус майдонга телефон рақамини киритади

юборилган “текшириш” кодини махсус ойнага киритади

Агар, фуқаро аввал ҳам овоз берган бўлса Портал томонидан автоматик тарзда ушбу рақам орқали аввал овоз берилганлиги тўғрисида рад жавоби берилади

тўпланган овозлар сонидан келиб чиқиб ҳар бир туман ва шаҳарда лойиҳалар юқоридан пастга қараб саралаб борилади

Овоз бериш босқичи якунларига кўра Портал ҳар бир туман (шаҳар) учун очилган Жамғармадаги мавжуд маблағлар миқдорига аниқлик киритади ҳамда ушбу маблағлар доирасида ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг юқори овоз тўплаган лойиҳаларни автоматик тарзда ғолиб деб эълон қиласида

Ғолиб лойиҳа муаллифларига Портал томонидан СМС хабарномалар юборилган ҳолда ғолиб бўлганлиги юзасидан хабардор қилинади

Шаффофликни таъминлаш мақсадида ҳар бир лойиҳа бўйича берилган овозлар ҳақидаги маълумотларни (телефон рақами ва овоз бериш вақти) “Очиқ бюджет” портали орқали кузатиш мумкин.

## Лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш

Ғолиб бўлган лойиҳаларни молиялаштириш “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талаблари доирасида амалга оширилади.

Лойиҳаларнинг муаммосиз ва шаффоф амалга оширилиши учун пудратчиларни аниқлашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пудратчилар шартнома шартларига мувофиқ қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадилар ёки товарларни (хизматларни) етказиб беришни таъминлайдилар.



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-117-сон қарорига кўра

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

қўшимча ажратилаётган маблағларнинг бир ҳафта мuddатда Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига ўтказилишини ҳамда мазкур жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлайдилар

объектларнинг бош лойиҳа-қидирув ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида инсон омилисиз ўтказиладиган электрон тендер (танлов) савдолари орқали аниқланади



loyiҳani амалга оширишнинг барча босқичларини назорат қилиш; лойиҳани амалга ошириш натижалари бўйича - ташабbusкор фуқаролар иштирокида уларни қабул қилиш бўйича тадбирларни ташкил этиш

## Жамоатчилик назорати

Ғолиб бўлган лойиҳалар бўйича бажарилган ишларни баҳолаш учун Жамоатчилик назорати бўлими ташкил этилди.

Лойиҳа ташабbusкорлари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш босқичларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун “Очиқ бюджет” порталида “Лойиҳаларни амалга ошириш хронологияси” бўлими ташкил этилди.

Бунда, ҳудудий ҳокимликларнинг Ташаббусли бюджет жараёнларидаги фаолигини ошириш, ушбу жараёнларни сифатли ташкиллаштириш ва ўтказишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Ҳудудлар рейтинги жорий этилган:

Яшил	Сариқ	Қизил
Ижобий баҳо	Қониқарли баҳо	Қониқарсиз баҳо

Бу ўз навбатида Ташаббусли бюджет жараёнини очиқ ва шаффоғ ўтказилишига, шунингдек ҳудудий ҳокимликларнинг ҳисобдорлигини оширишга хизмат қиласди.

Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида юзага келган ҳолатлар шунингдек, лойиҳаларни мониторинг қилиш Давлат молиявий назорати инспекциясига юклатилган.

## Маълумотларни нашр этиш

Ҳар чорак якунларига кўра туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳамда ғолиб лойиҳаларни амалга оширилиши бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда расмий веб-сайтлари орқали мажбурий тартибда эълон қилиб борадилар.



Йил якунларига кўра барча ғолиб лойиҳаларни бажарилишини якуний назоратдан ўтказади

Рейтинг натижалари “Очиқ бюджет” ахборот портали ва расмий веб сайтларда жамоатчилик учун эълон қилиб борилади

“Яшил ҳудуд” –  
71–100 балл

“Сариқ ҳудуд” –  
55–70 балл

“Қизил ҳудуд” –  
54 балдан паст

«Қизил ҳудуд» деб топилган туман ва шаҳар ҳокимликларининг ташаббусли бюджет жараёни ижроси юзасидан ҳисоботи чорак якунларига кўра Олий Мажлис Сенатида эшишиб бориш амалиёти жорий этилган

## 2.2. «Менинг йўлим» лойиҳаси

2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджет жараёни натижалари жойларда фуқароларни энг кўп ҳавотирга solaётган муаммо бу ички йўлларни таъмирлаш тадбирлари эканлигини кўрсатиб берди.



<b>Фолиб лойиҳалар:</b>		<b>сони</b>	<b>фоизда</b>
<b>1.</b>	<b>жами</b>	<b>1599</b>	<b>100%</b>
шундан:	Ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаси	410	25,6%



<b>Овоз берилган лойиҳалар</b>		<b>фуқаро</b>	<b>фоизда</b>
<b>2.</b>	<b>жами</b>	<b>947 317</b>	<b>100%</b>
шундан:	Ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаси	215 327	22,7%



<b>Лойиҳ қиймати</b>		<b>млрд сум</b>	<b>фоизда</b>
<b>3.</b>	<b>жами</b>	<b>401, 6</b>	<b>100%</b>
шундан:	Ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаси	113,2	28,2%

Ҳар йили туман/шаҳар бюджетларида ички йўлларни қуриш ва таъмирлаш учун маблағлар режалаштирилади ва сарфланади. Бунда, ушбу мақсадлар учун бюджет маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари мавжуд эмас эди. Бу жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда ички йўлларни молиялаштириш учун маблағларни тақсимлашга янгича ёндашувни шакллантиришга туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобил йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ 49-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги "Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги ВМҚ-49 сон қарорига асосан:

ички хўжалик йўлларни таъмиrlаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмиrlашга йўналтириш тартиби белгиланди

2022 йилдан бошлаб туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмиrlаш учун ажратилган маблағларнинг камида

**50** фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмиrlаш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади

2022 йилдан бошлаб туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмиrlаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот портали (Менинг йўлим лойиҳаси доирасида) орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмиrlаш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади

Туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмиrlаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи «Очиқ бюджет» ахборот порталидаги Менинг йўлим лойиҳаси орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмиrlаш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади



## 2.3. «Менинг боғим» лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари” түғрисидаги ПФ-199-сон Фармонига асосан Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил қилиш учун йўналтирилиши белгиланди. Ҳар йили фуқаролар томонидан “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида таклифларни илгари суриш ва овоз бериш жараёнлари “Очиқ бюджет” ахборот портали томонидан амалга оширилади.



### “Менинг боғим” лойиҳасини молиялаштириш учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим вазирлиги томонидан

ҳар йили  
ажратиладиган  
маблағларнинг



**50 %** “Яшил макон” дастури доирасида  
ажратилган маблағларнинг тенг  
қисми

«Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик  
фикри асосида шаклланган «Менинг боғим»  
войиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади

2024 йил учун **52 млрд сўм**

“Менинг боғим” лойиҳаси бўйича лойиҳаларни шакллантириш, овоз бериш жараёнларини ташкил этиш ҳамда ғолиб лойиҳаларни аниқлаш тартиби Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилмоқда.

**3**

## **Муваффақият ва муаммолар**



Мамлакатимизда 2021 йилдан буён янгиланган талқинда ўтказилиб келинаётган Ташаббусли бюджет жараёнлари мазкур соҳанинг инсонлар ҳаётидаги ўрни қанчалик долзарблиги ва ушбу жараён жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим “дастак” сифатида хизмат қилишини яна бир бор исботлаб берди.

## Ташаббусли бюджет жараёнларини қонуний жихатдан қўллаб-қувватлаш



Ўзбекистон  
Республикасининг  
2022 йил  
30 декабрдаги  
«2022 йил учун  
Давлат бюджети  
тўғрисида»ги  
ЎРҚ-742 сонли  
Қонуни

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2022 йил 28  
январдаги  
ПФ-60-сон  
Фармони

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2021 йил 13  
апрелдаги  
ПҚ-5072-сон  
қарори

Ўзбекистон  
Республикаси  
Вазирлар  
Маҳкамасининг  
2022 йил 2  
февралдаги  
ВМҚ-49-сон  
қарори

**2018**

**2021**

**2022**

**2023**

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2018 йил 22  
августдаги  
ПҚ-3917-сон  
қарори

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2022 йил 7  
апрелдаги  
ПҚ-197-сон  
қарори

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2021 йил 2  
мартдаги  
ПФ-6155-сон  
Фармони

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2022 йил 25  
октябрдаги  
ПҚ-409-сон  
қарори

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президентининг  
2023 йил 10  
апрелдаги  
ПҚ-117-сон  
қарори

Сўнги уч йилда “Ташаббусли бюджет” жараёнларини молиялаштирилиши 7,8 баробарга оширилиб 530 млрд сўмдан 4 115 млрд сўмгача етказилди.


### ТБ жараёнларини молиялаштириш манбалари

<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон қарори</b>	Туман (шаҳар) бюджетлари	Тасдиқланган бюджетнинг <b>5 фоиз қисми*</b> Кўшимча манбаларнинг камида <b>30 фоизи</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-409-сон қарори</b>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджети	Кўшимча маблағларнинг <b>30 фоиз қисми</b>

\* 2023 йилдан бошлиб туман (шаҳар) бюджетларининг 5 фоиз қисми, лекин камида 6 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Ташаббусли бюджет жараёнлари туман ва шаҳарлардаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқаролар учун давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

### ТБ жараёнга фуқароларнинг жалб этилиши йиллар<sup>1</sup>



<sup>1</sup> С 2021 года практика БФОМ.

Ҳар чорак яқунларига кўра туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳамда ғолиб лойиҳаларни амалга оширилиши бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда расмий веб-сайтлари орқали мажбурий тартибда эълон қилиб борадилар.

Бунда, тўплаган балларидан келиб чиқиб 71 баллдан 100 баллгacha — «яшил ҳудуд», 55 баллдан 71 баллгacha — «сариқ ҳудуд» ва 55 баллдан паст бўлганда — «қизил ҳудуд» деб топилади.

### Ҳудудий рейтинг натижалари

Қорақалпоғистон Р.

Андижон вилояти



54 дан  
паст балл

Бухоро вилояти



55–70  
балл

Жizzах вилояти



Қашқадарё вилояти



71–100  
балл

Навоий вилояти



Наманган вилояти



Самарқанд вилояти



Сурхондарё вилояти



Сирдарё вилояти



Фарғона вилояти



Хоразм вилояти



Тошкент вилояти



Тошкент шаҳри



## Соҳалар кесимида ғолиб лойиҳалар



Т/р	Йўналишлар	Ғолиб лойиҳалар сони			
		Жами	2021	2022	2023
	<b>ЖАМИ</b>	<b>9 913</b>	<b>1 594</b>	<b>4 136</b>	<b>4 183</b>
1	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш	<b>3 380</b>	367	1408	1605
2	Ички йўлларни таъмирлаш	<b>2 512</b>	408	1028	1076
3	Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш	<b>363</b>	131	169	63
4	Кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш	<b>354</b>	115	114	125
5	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	<b>1 021</b>	64	362	595
6	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	<b>544</b>	35	325	184
7	Бошқа тадбирлар	<b>1 739</b>	474	730	535

## Онлайн мурожаатлар

2022 йилдан бошлаб “Очиқ бюджет” ахборот порталаIDA “Онлайн мурожаат” бўлими ташкил этилиб, фуқаролар шикоят ёки саволлар билан тўғридан-тўғри портал орқали мурожаат қолдириш модули ишга туширилган. Бугунги кунга келиб фуқаролар томонидан қарийб 2 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган.



## «Интерактив доска»

Ташаббусули бюджет лойиҳаси доирасида ғолиб деб топилган таклифларни реал вақт режимида ижросини кузатиб бориш имконияти яратилди. Эндилиқда, ушбу маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд, жумладан туман ва шаҳар кесимида мавсумлар бўйича тўлиқ маълумотларни ўзида акс эттирувчи “интерактив доска” (Dashboard) ишга туширилди.

## Интерактив доска:

### Умумий маълумот

Тегишли мавсум бўйича келиб тушган лойиҳалар, саралаш натижалари, берилган овозлар ва ғолиблар сони, шунингдек ажратилган маблағлар ва бошқалар

### Лойиҳаларнинг жорий ҳолати ва амалга оширилиши

Ғолиб деб топилган лойиҳалар учун тегишли маблағларнинг йўналтирилиши, молиялаштирилиши ҳамда бажарилган ишлар хажми юзасидан маълумотлар

### Жамоатчилик назорати

Ғолиб лойиҳалар ижроси бўйича ташаббускор фуқаролар томонидан амалга оширилган ишларнинг ҳолатини баҳолаш натижалари юзасидан маълумотлар

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларни бевосита ташаббускорлар томонидан баҳолаш ва лойиҳаларни қабул қилиб олиш мақсадида Жамоатчилик назорати бўлими ишга туширилган.

Бунда, фуқаролар ғолиб лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар сифатини амалдаги ҳолатидан келиб чиқиб, агар ижобий бўлса – яшил, қониқарли бўлса – сариқ ва қониқарсиз ҳолатда қизил тоифага ажратган ҳолда баҳолаб борадилар.



Фуқаролар томонидан лойиҳани амалга оширишда кузатилган ҳолатлар юзасидан “Фавқулодда хабар бериш” функцияси ишга туширилди. Фуқаролар томонидан аниқланган ва хабар берилган ҳолатлар ҳам “интерактив доскада” харитадаги тегишли ҳудудда акс эттирилади ва ҳолатга аниқлик киритилмагунгача ёки камчилик бартараф этилмагунга қадар назоратдан олинмайди.

**1.1-жадвал “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали амалга оширилаётган Ташаббусли бюджет жараёни кўрсаткичлари динамикаси**

Т/р	Худуд номи	2021 йил, жами*			
		Ажратилган маблағ (млрд)	Келиб тушган таклифлар сони	Фолиб деб топилган таклифлар сони	Жами овозлар сони
	<b>ЖАМИ</b>	<b>531</b>	<b>41 125</b>	<b>1 594</b>	<b>1 149 499</b>
1	Қорақалпоғистон Р.	39	3 501	104	221 226
2	Андижон вилояти	39	1 652	149	82 908
3	Бухоро вилояти	36	2 329	117	106 636
4	Жиззах вилояти	31	6 523	145	75 421
5	Қашқадарё вилояти	41	2 404	74	95 414
6	Навоий вилояти	33	4 414	107	100 705
7	Наманган вилояти	38	5 651	107	74 111
8	Самарқанд вилояти	39	2 255	118	97 425
9	Сурхондарё вилояти	34	1 453	104	89 311
10	Сирдарё вилояти	24	2 783	103	44 582
11	Тошкент вилояти	44	2 059	105	64 196
12	Фарғона вилояти	48	2 206	96	18 372
13	Хоразм вилояти	35	2 300	154	34 215
14	Тошкент шаҳри	49	1 591	111	44 977

\*Изоҳ: 2021-йилда Ташаббусли бюджет амалиёти тажриба тарикасида ўтказилган.

**1.2-жадвал “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали амалга оширилаётган Ташаббусли бюджет жараёни кўрсаткичлари динамикаси**

Т/р	Худуд номи	2022 йил, жами			
		Ажратилган маблағ (млрд)	Келиб тушган таклифлар	Фолиб деб топилган таклифлар сони	Жами овозлар сони
	<b>ЖАМИ</b>	<b>2 537</b>	<b>131 265</b>	<b>4 136</b>	<b>14 511 857</b>
1	Қорақалпоғистон Р.	123	15 250	234	429 618
2	Андижон вилояти	205	4 740	287	1 120 357
3	Бухоро вилояти	144	14 030	282	825 963
4	Жиззах вилояти	124	6 228	165	589 312
5	Қашқадарё вилояти	239	9 367	332	1 432 327
6	Навоий вилояти	102	5 119	221	538 590
7	Наманган вилояти	213	8 981	314	1 569 070
8	Самарқанд вилояти	246	6 551	381	1 387 244
9	Сурхондарё вилояти	208	20 976	279	1 450 409
10	Сирдарё вилояти	64	5 178	244	357 436
11	Тошкент вилояти	234	7 469	393	1 162 416
12	Фарғона вилояти	304	6 310	436	2 407 218
13	Хоразм вилояти	158	10 336	250	897 899
14	Тошкент шаҳри	172	10 730	318	343 998

**Таблица 1.3 “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали амалга оширилаётган Ташаббусли бюджет жараёни кўрсаткичлари динамикаси**

Т/р	Ҳудуд номи	2023 йил, жами			
		Ажратилган маблағ (млрд)	Келиб тушган маблағлар	Фолиб деб топилган таклифлар сони	Жами овозлар сони
	<b>ЖАМИ</b>	<b>4 115</b>	<b>105 434</b>	<b>4 183</b>	<b>34 244 850</b>
1	Қорақалпоғистон Р.	205	5 952	225	690
2	Андижон вилояти	327	5 992	297	1 600
3	Бухоро вилояти	268	6 496	297	1 106
4	Жиззах вилояти	214	3 221	200	796
5	Қашқадарё вилояти	410	9 862	361	2 577
